

ИЛМ АҚЛ БУЛОҒИ

Козоков Муроджон Ботирович

Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Шайх Мухтор Вали масжид имом ноиб

Аннотация: Ушбу мақола Ислом динидаги илм ва унинг фазилати масаласига бағшиланди. Мақолада Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хадислари асосида илм олишнинг зарурлиги ва ахамиятини очиб берилди. Мақолада илмнинг инсон ҳаётидаги ўрни, илм олишнинг рухий ва дунявий фойдалари, шунингдек, саҳобалар ва буюк олимларнинг илм ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинди. Ислом цивилизациясида илм ва билимнинг марказий ўрнини кўрсатилди. Мақолада илм олиш ва ўргатишнинг нафақат шахсий, балки ижтимоий масъулият эканлигини ёритилди.

Калит Сўзлар: Илм – билим, Қуръони Карим, Хадиси шариф, Ислом таълимоти, Илмий фаолият, Рухий тараққиёт, Мусулмон шахси, Диний билим.

Қуръону Каримнинг энг аввалги нозил қилинганояти каримаси «Ўқи» деган сўз эканлиги ҳеч бир кишига сир эмас албатта. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ато қилинган мўъжизаларнинг энг улкани Аллохнинг муборак каломи бўлмиш Қуръону Каримда илм тўғрисида 811 жойда зикр қилинган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча хадиси шарифларида барчаларимизни илм ўрганиш ва ўргатишга тарғиб этганлар ва илмнинг фазилати илм ахлларига бериладиган мукофоту-даражотлар ҳақида зикр этганлар. Чунки инсониятни ҳар икки дунёда ҳам азизу мукаррам ва даражаси баланд, обрў – эътиборга эга бўлишига сабаб бўлгувчи нарса шак шубҳасиз илмдир. Аксинча инсонни хорлик ва таназзулга, залолатга етакловчи адашишига сабаб булгувчи нарса эса илмсизликдир. Илм Пайғамбар алайҳимус саломларнинг мероси. Илм нур бўлса илмсизлик зулматдир. Қуйида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Илм ҳақидаги айрим хадисларини айтиб ўтамиз.

Абдуллоҳ (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Илм олинглар, илм олинглар. Илм олгач эса, амал қилинлар”

Муҳаммад (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Албатта бу илм диндир. Динингизни кимдан олаётганингизга қарангизлар!”.

Абдуллоҳ ибн Анас (р.а.) ривоят қилишича Анас (розиёллоҳу анҳу) доимо ўз ўғлига: “Эй, ўғлим! Бу илмни қайд этинг (ёзиб қўйинг) лар”, дер эди”.

Саҳбара (розиёллоҳу анҳу) ривоят қилади : “Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ким илм талаб қилса, ўтган гуноҳларига каффорат бўлади”, дедилар”.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам илм олиш фазилатини шундай баён қилдилар: “Ким илм талаб қилиш йўлини тутса, Аллоҳ таоло уни жаннат йўлига йўллаб қўяди”. (Имом Муслим ривояти)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Малоикалар толиби илмни қилган ишидан мамнун бўлиб унга қанотларини ёзадилар. (имом Аҳмад Ибн Ҳиббон ва Ҳокимлар ривояти)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: “Илмдан бир боб ўрганиб тонг оттиришинг юз ракат намоз ўқишингдан афзалдир”. (Имоми ибн Абдулбар Абу Зарр ривоят этган)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яна айтадилар: “Киши илмдан бир боб ўрганиши унинг учун дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир” (Имом ибн Абдул Бар Ҳасан Басрийдан мавқуф ҳолда ривоят қилган).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Илмни Чинда (Хитойда) бўлса ҳам ўрганинглари” (Имом ибн Адий ва Байҳақийлар заиф иснод билан ривоят қилишган).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: “Илм – хазина, унинг калитлари- савол. Сўранглари, сўрашда 4 киши савобга эга бўлади: Сўровчи, олим, эшитувчи, уларни дўст тутувчи” (Абу Нуъайм заиф иснод билан ривоят қилган).

Абу Зарр ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Олимнинг мажлисида ҳозир бўлиш минг ракат намоздан, мингта касални бориб кўришдан, мингта жанозада иштирок этишдан афзалдир”, дедилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, Қуръон тиловатидан ҳам яхшироқми?” деб сўрашди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Илм бўлмаса, Қуръон тиловати фойда берадими?”. (Ибн Жавзий “Мавзуъот”да зикр қилган)

Муоз ибн Жабал айтганларидай, «Илм ўрганинглари, зеро, уни ўрганиш – Аллоҳдан кўркиш, уни талаб этиш – ибодат, музокараси – тасбеҳ, уни излаш – жидду-жаҳд, билмаганга ўргатиш – садақа, уни ўз аҳлига билдириш – Аллоҳга қурбатдир».

Улуг саҳобийлар, атоқли олимлар ва мутафаккирларнинг ҳам илм фазилати ҳақидаги кўплаб ривоятлари, хабар ва сўзлари келган. Қуйида шу-лардан айримларинигина келтириб ўтмоқчиман.

Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу) Кумайлга: “Илм молдан яхшидир, у сени ҳимоя қилади, молни эса сен кўриқлашга мажбурсан, илм ҳоким, мол маҳкумдир, эҳсон-нафақа қилиш билан мол камайса, илмни тарқатганинг сайин кўпайиб боради”, деганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу): “Илм олишда қийналдим, бироз хорландим, тилагимга эришгач, азизу мукаррам бўлдим”, деганлар.

Абу Дардо (розийаллоҳу анҳу) айтганларки, “Сен олим бўл, ё ўрганувчи ёки унга қулоқ тутувчи бўл, лекин тўртинчиси бўлмагинки, унда ҳалок бўласан”.

Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу): “Кундузлари рўздор, кечалари бедор бўлган мингта обиднинг ўлими ҳалол-ҳаромни ажрата олувчи биргина олимнинг ўлиmidан енгилдир”, деганлар.

Тобейинлардан Ато ибн Абу Рабоҳ бундай деган: “Бир илм мажлиси лағв-беҳуда мажлислардан етмиштасига каффорот бўлади”.

Луқмони ҳаким ўғлига бундай насиҳат қилган экан: “Эй ўғлим, олимлар билан ўтир, улар орасига кир, чунки Аллоҳ ерни осмон суви билан тирилтиргани каби қалбларни ҳам илм-ҳикмат нури билан тирилтиради”.

Бир куни Фатҳ Мусалий: “Касалга обу таом берилмаса, у ўладими?” деб сўрабдилар. Атрофидагилар: Ҳа, ўлади дейишибди. Шунда Фатҳ “Қалбга ҳам уч кун илм берилмаса, у ўлади”, деган эканлар.

Абу Шукур Балхий айтади: “Билимим шу жойга етиб келдики, билимсизлигимни энди тушундим”.

Абу Ҳомид Ғаззолий бундай деган: “Сиз илмга бор-йўғингизни бермагунингизча, у сизга бирор нарса бермайди”.

“Билим барча кулфатларга қалқондир”, деган эди Абу Абдуллоҳ Рудакий. “Илм инсоният гавҳаридир”, деган Мирзо Бедил.

Муоз ибн Жабалнинг мана бу сўзлари илмнинг фазилатига энг яхши далиллардан бири: „Илм танҳоликда ҳамроҳ, хилватда дўст, туғри йўл кўрсатувчи маёқ, хурсандлигу хафагарчиликда улфат, дўстлар олдида вазир, бегоналар олдида якин дўст, жаннат йўлининг минорасидир”. “Оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам ўзингизни илмсиз ҳисоблаб, яна илм ўрганишга киришинг”, деган Абу Язид Бастомий.

Демак, ҳар бир мусулмон фарзанди уламоларнинг тавсияларига амал қилиб, илм ўрганишга бор куч-ғайратини сарфлаши, ўрганган илмига амал қилиш пайида бўлиши зарур. Шундагина у Аллоҳ розилигини топади, иймонини мустаҳкамлайди, икки дунё саодатини қўлга киритади. Албатта ватанимизнинг тараққий этиши ҳам илмга боғлиқдир. Шундай экан илм йўлида камарбаста бўлиб, илм ўрганиб айниқса ёшларимизни илм йўлига йўллашимиз лозимдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Қуръони Карим. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари қўмитаси, 2019.

2.Имом ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. "Китоб ул-илм" боби. – Бейрут: Дор ибн Касир, 1993.

3.Имом Муслим. Саҳиҳи Муслим. "Китоб уз-зуҳд" боби. – Бейрут: Дор ихё ат-турос, 1991.

4.Имом ат-Термизий. Сунани Термизий. "Китоб ул-илм" боби. – Бейрут: Дор ул-ғарб ул-исломий, 1996.

5.Имом Абу Довуд. Сунани Абу Довуд. "Китоб ул-илм" боби. – Дамашқ: Дор ур-рисола, 2009.

6.Қосимов Б.А. Ислом маданиятида илм масаласи. – Тошкент: Фан, 2018.

7.Ҳакимов А.А. Қуръон ва илм. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.

8.Нуриддинов Ҳ. Ислом ва замонавий билим. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019.

9.Маматов М.Р. Пайғамбаримиз хадисларида илм фазилати. – Самарқанд:
СамДУ нашриёти, 2017.